

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ПАТТАХОВА МАЛИКА ХУСАНОВНА

**COVID-19 КАСАЛЛИГИНИ ЎТКАЗГАН СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ ВА
ЖИГАР ЦИРРОЗЛАРИ МАВЖУД БЕМОРЛАРДА КЛИНИК-
ИММУНОЛОГИК, ФУНКЦИОНАЛ-МЕТАБОЛИК ЎЗГАРИШЛАР
ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2023

Фан докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Паттахова Малика Хусановна

Covid-19 касаллигини ўтказган сурункали
гепатит ва жигар циррозлари мавжуд беморларда
клиник-иммунологик, функционал-метаболик
ўзгаришлар жихатлари..... 3

Паттахова Малика Хусановна

Клинико-иммунологические, функционально
-метаболические особенности больных с
хроническими гепатитами и циррозами печени
перенесших Covid-19..... 31

Pattakhova Malika Khusanovna

Clinical-immunological, functional-metabolic
features of patients with chronic hepatitis and
cirrhosis of the liver survivors of COVID-19
..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 61

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ПАТТАХОВА МАЛИКА ХУСАНОВНА

**COVID-19 КАСАЛЛИГИНИ ЎТКАЗГАН СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ ВА
ЖИГАР ЦИРРОЗЛАРИ МАВЖУД БЕМОРЛАРДА КЛИНИК-
ИММУНОЛОГИК, ФУНКЦИОНАЛ-МЕТАБОЛИК ЎЗГАРИШЛАР
ЖИХАТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДАРАЖАСИ УЧУН
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/Tib625 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Зокирхўжаев Шерзод Яхъяевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамраев Аброр Асрарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Қосимов Илхом Асамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Жўраева Мохигул Азимжоновна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./Факс: (+99871) 150-78-25); e-mail: tta2005@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./Факс: (+99871) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г.Гадоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А.Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л.Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. COVID-19 билан касалланган беморлар жигарида кузатиладиган ўзгаришлар вируснинг бевосита гепатотроп таъсири ёки тизимли яллиғланиш реакциялари, гипоксия (ўпкалар яллиғланиши билан билан боғлиқ бўлган), полиорган етишмовчилик, микроциркуляциянинг издан чиқиши ва гепатотоксик дори воситаларининг қўлланилиши билан боғлиқ. SARS-CoV-2 нинг жигар хужайраларига бевосита таъсири ACE2 рецепторларининг холангиоцитларда экспрессияси билан боғлиқ. Узоқ вақтдан бери жигарнинг сурункали диффуз касалликлари билан оғриб келаётган беморларда иммун тизими издан чиққанлиги сабаб инфекцияга чалиниш эхтимоли юқори бўлади.

Жаҳон миқёсида янги коронавирус инфекциясининг патогенезини, клиник кечишини ва нохуш оқибатларининг асосий белгиларини эрта аниқлашни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сурункали жигар касалликлари мавжуд беморлар SARS-CoV-2 билан зарарланиши ва касаллик кечишига оид маълумотлар етарли эмас. Шу сабабдан қатор муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Масалан, сурункали В гепатити (бу касаллик Европага нисбатан Хитойда кенг тарқалган) COVID-19 касаллиги кечишига таъсир кўрсатмайди дейилган маълумотлар мавжуд. Шунингдек, иммуносупрессия хатто касаллик оғир кечган ҳолатларда ўпка зарарланишида аҳамиятли бўлган иммунопатологик ҳолатлардан ҳимоя қилиши мумкин деган тасдиқланмаган тахминлар ҳам мавжуд. Бу ўзгаришлар макрофаглар фаоллашуви, гиперяллиғланиш синдроми, «цитокин бўрони» ва полиорган етишмовчилик билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Республика тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматни ривожлантириш, шу жумладан COVID-19 билан касалланган беморларни олиб бориш, даволаш ва назорат қилиш, аҳоли ўртасида эрта ўлим ва касалланиш даражасини пасайтириш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган. "...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш..."¹ каби муҳим вазифалар тиббиёт ходимлари зиммасига юкланмоқда. Ушбу вазифаларни амалга ошириш натижасида коронавирус инфекциясини эрта ташхислаш ва даволашда ижобий натижаларга эришилди, бироқ вируснинг янги агрессив штаммларининг пайдо бўлиши, касаллик тарқалишини тўхтатишга имкон бермаяпти ва бунинг натижасида соғлиқни сақлаш соҳаси доимий изланишда. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, COVID-19 инфекциясини назорат қилиш, ички аъзолардаги ўзгаришларни эрта ташхислаш ва вақтида бартараф қилиш ушбу соҳадаги мақсадларга эришишнинг устувор йўналишларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 25-июлдаги ПФ-6035-сон "Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

2020-йил 26-мартдаги ПҚ-4649-сон “Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 27-июлдаги ПҚ-4790-сон “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётлар таҳлили².

COVID-19 инфекцияси ва унинг жигарга таъсири билан боғлиқ бўлган асоратлари жаҳоннинг етакчи халқаро илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан: The American Gastroenterological Association (AGA), The American College of Gastroenterology (ACG), The British Society of Gastroenterology (BSG), The World Gastroenterology Organisation (WGO), Жигар касалликларини ўрганиш бўйича Европа ассоциацияси (EASL), Россия жигар касалликларини ўрганиш бўйича хамжамияти (РОПП), Америка жигар касалликларини ўрганиш бўйича ассоциацияси (AASLD), Россия гастроэнтерологлари ассоциацияси, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

COVID-19 касаллиги бошқа тизимли вирусли инфекциялар каби трансминазалар миқдори кўтарилиши билан боғлиқлиги, бу ўзгаришлар нафақат жигарда, балки қон зардобидида айланиб юрувчи цитокинлар фаоллигини билдирувчи тизимли иммун ўзгаришлар билан боғлиқлиги ўрганилган.

COVID-19 билан оғриган беморларнинг 43-57%да трансминазалар миқдори ошиши меъёрга нисбатан 2 баробар кузатилган. Шунингдек, лопинавир ва ритонавир қабул қилган беморларда ҳам уларнинг кўрсаткичлари ошиши кузатилган бўлиб, бу ўзгаришлар дори воситаси қабул қилиниши тўхтатилганида меъёрига келган. Бундай ҳолатларда реактив гепатит юзага келиши ҳам мумкин. Аланинаминотрансфераза миқдорининг ортиши, тромбоцитлар ва альбумин миқдорининг камайиши беморларда ўлим кўрсаткичининг ортиши билан кечган. 2020 йил 10 март ҳолатида COVID-19 ўтказган еттита йирик тадқиқотда жигар зарарланган беморларда касалликнинг клиник жихатлари кўрсатилган [Chen N., Zhou M., Dong X., ва ҳаммуал.,2020]. Бу тадқиқотларда аланинаминотрансфераза

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.frontiersin.org/>, <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc>, <https://virologyj.biomedcentral.com>, <https://www.elsevier.es/en-revista-annals-hepatolog>, <https://www.webmd.com/covid/coronavirus-liver-disease>, <https://www.webmd.com/covid/coronavirus-liver-disease>, <https://www.uptodate.com/contents/COVID-19-issues-related-to-liver-diseas>, <https://www.usnews.com/news/health-news/articles/202>, <https://www.cdc.gov/pcd/issues/2022>, <https://gut.bmj.com/content/71/11/2350>, <https://www.who.int/emergencies/diseases>, <https://www.news-medical.net/news/20221010>, <https://journals.lww.com>, <https://www.thelancet.com/journals/>, <https://www.liver.ca/actionCOVID-19>, ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

(АЛТ) ва аспартатаминотрансфераза (АСТ) миқдори 14% дан 53% оралиғида ошиши кузатилган бўлиб бу кўрсаткичлар жигар зарарланишини тасдиқлайди.

Ўтказилган илмий изланишлар, адабиётлар ва тадқиқотлар таҳлилига асосланган ҳолда COVID-19 да коморбид касалликларни авж олиб боришидаги хавф омилларини аниқлаш, клиник кечиш хусусиятларини, лаборатор диагностик кўрсаткичлари ва терапиянинг самарадорлигини баҳолашга бағишланган кенг кўламли илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш зарурлиги ҳақида хулоса чиқаришимиз мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ушбу муаммо бўйича тадқиқотларни давом эттириш зарурлигини кўрсатади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Коморбид ҳолатидаги беморларда оғир асоратлар юзага келиши мумкинлиги сабабли хавф гуруҳи ҳисобланадилар. Пандемия шароитида коморбид ҳолатидаги беморларни алоҳида шароитда бўлишлари билан биргаликда тиббий муассасаларга бориш имкониятлари ҳам чекланган бўлади. Шу сабабли бундай касалликларни даволашда комплекс ёндошув зарур [Гриневич В.Б., Губонина И.В. ва ҳаммуал.,2020].

Вирусли гепатитлар, жигарнинг алкоғолли ва ноалкоғолли касаллиги, аутоиммун гепатитлар ва жигар циррози каби жигарнинг сурункали касалликлари кўп учраши сабабли буларни COVID-19 пандемияси вақтида аниқлаш, аъзо шикастланишига ўз вақтида ва монанд баҳо бериш муҳим аҳамият касб этади. Singh S. ва ҳаммуаллифлар ўтказган текширувларида сурункали жигар касалликлари мавжуд бўлган беморларда ўлим кўрсаткичи улар бўлмаган гуруҳга нисбатан юқори эканлиги аниқланган. Бу кўрсаткич айниқса жигар циррози мавжуд беморларда юқори бўлган [Singh S., Khan A.,2020].

Вирус натижасида юзага келган тизимли яллиғланиш, гипоксия ва қон айланиши етишмовчилиги, иккиламчи инфекцияга, жигар фаолияти декомпенсацияси ва қон кетиш хавфи ошишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, бу ҳолат сурункали жигар касалликлари ва жигар циррози билан касалланган беморлар халқаро реестри маълумотида кўра ўлим кўрсаткичининг 40-63% гача ошишига олиб келади [Гриневич В.Б., Кравчук Ю.А. ва ҳаммуал.,2020]. Qiu H. ва ҳаммуаллифларнинг берган маълумотларига кўра SARS-CoV-2 инфекцияси билан касалланган алкоғолли цирроз билан касалланган беморлар сурункали жигар етишмовчилиги декомпенсациясига учраганлар [Qiu H. ва ҳаммуал.,2020].

Ноалкоғолли жигар ёғли гепатози касаллиги цитокинлар миқдори ошиши билан боғлиқ бўлганлиги сабаб бу беморлар COVID-19 «цитокин бўрони» ривожланишига ва касалликнинг оғир шаклда кечишига мойил бўладилар [Chen N., Zhou M., Dong X. et al.,2020; Ji D., Qin E., Xu J., et al.,2020]. Бу каби ўзгаришлар бир қатор ретроспектив тадқиқотлар натижасида кузатилган. Масалан, Хитойда COVID-19 билан оғриган ва жигар ёғли гепатози мавжуд бўлган 202 нафар бемор кузатуви натижаси соғлом ва инфекция мавжуд беморларга нисбатан касалликнинг кучайиши (44.7% (34/76) ва 6.6% (5/126); $p < 0,0001$), бемор қабул қилиш кунидан касалхонадан чиқарилган кунигача жигар фаолияти издан чиқиши (70% (53/76) 11.1% (14/126) га нисбатан), вируснинг узок вақтгача аниқланиши ($17,5 \pm 5,2$) ($12,1 \pm 4,4$) кунга нисбатан; $p < 0,0001$) бўлган. [Ji D., Qin E., Xu J., et al.,2020]. SARS-CoV-2 вирусининг гепатотропик механизми ва аутоиммун ўзгаришлари таъсири етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг у бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Тошкент тиббиёт академиясининг №011100158-сонли «Ички касалликларни ташхислаш ва даволашни самарадорлигини оширишнинг янги йўлларини излаш. Профилактиканинг рационал йўллари» мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади COVID – 19 ўтказган сурункали гепатит ва жигар циррози мавжуд беморлар клиник, функционал-метаболик ва иммунологик ўзгаришларининг ўзига хослиги ҳамда постковид ҳолатдаги иммун-метаболик мезонларни ва улар орасидаги корреляцион боғланишларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали гепатит ва жигар циррози касаллиги мавжуд беморларда клиник-лаборатор, цитолит синдроми ҳолатлари, яллиғланиш жараёнларига хос ва функционал- метаболик ўзгаришларини ўрганиш;

сурункали гепатит ва жигар циррози касаллиги мавжуд беморларда альфа, гамма интерферонлар, интерлейкин профили ва иммуноглобулинлар миқдорини ўрганиш;

COVID-19 касаллигини ўтказган сурункали гепатит касаллиги мавжуд беморлар клиник-лаборатор ва метаболик ўзгаришларини ўрганиш;

COVID-19 касаллигини ўтказган сурункали гепатит ва жигар циррози касаллиги мавжуд беморларда иммунометаболик ўзгаришларни ўрганиш;

Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда дифференциал диагностика мақсадида метаболик ва иммунологик кўрсаткичлар корреляция даражасини аниқлаш;

COVID-19 касаллигини ўтказган сурункали жигар касалликлари мавжуд беморларда клиник ва иммунометаболик мезонларини аниқлаш;

COVID-19 касаллигини ўтказган ва касалликни ўтказмаган сурункали жигар касалликлари мавжуд беморларда касаллик ривожланишига таъсир этувчи ҳаққоний овқатланиш ҳолатини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида COVID-19 билан касалланган, токсик, HCV, HBV вирус этиологияли сурункали гепатит, шунингдек, токсик, алкоғолли, ноаниқ, HCV ва HBV вируси этиологияли жигар циррози касалликлари мавжуд 220 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар қони ва зардоби иммунологик тадқиқотлар ва биохимик ўзгаришларни аниқлаш учун олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш мақсадида клиник, функционал (фиброскан, эзофагогастроуденофиброскопия (ЭГДФС), УТТ), биохимёвий: АЛТ, АСТ, билирубин фракциялари билан, умумий оқсил, альбумин, ишқорий фосфатаза, липид спектри, умумий холестерин, зичлиги юқори липопротеидлар (ЗЮЛП), зичлиги паст липопротеидлар (ЗПЛП), триглицеридлар, коагулограмма), иммунологик (иммуноглобулин G (IgG), иммуноглобулин A (IgA), иммуноглобулин M (IgM), интерферон альфа (INF альфа), интерферон гамма (INF гамма), интерлейкин-6 (IL-6), интерлейкин-17 (IL-17) ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк бор COVID-19 ўтказган сурункали гепатит касаллиги, жигар циррози мавжуд беморлар ва коронавирус инфекциясини ўтказмаган беморлар клиник белгиларининг дифференциал ташхисида COVID-19 ўтказган беморлар гуруҳида айрим клиник белгилар: интенсив сариқлик, ўнг қовурға остида кучли оғрик, диарея, ҳид ва таъм билиш ҳиссининг ўзгариши, ҳавотирлик ҳисси каби клиник белгилар аниқланган;

сурункали гепатит ва жигар циррози касаллиги мавжуд ва COVID-19 ўтказган беморларда коронавирус инфекциясини ўтказмаган беморлар гуруҳига нисбатан холестатик, цитолитик синдромлар ва оқсил синтезига ҳос биохимик кўрсаткичларда фарқли ўзгаришлар, айниқса, АЛТ фаоллиги, холестерин, триглицеридлар, зичлиги паст липопротеидлар ва гамма-глобулинлар миқдорининг кескин ошиши кузатилган;

коронавирус инфекциясини ўтказган сурункали гепатит ва жигар циррозларида фарқли равишда, уларнинг этиологик омилларига боғлиқ равишда С гепатит гуруҳида $INF\gamma$, IL-6 миқдорининг ошганлиги, айниқса гепатит В беморлар гуруҳида $INF\gamma$ юқорилиги, токсик этиологияли гепатит гуруҳида Ig A ва IL-17 кондаги концентрацияси ошиши ва $INF\alpha$ нинг кескин камайиши кузатилган.

сурункали гепатит ва жигар циррози мавжуд ва COVID-19 ўтказган беморларда постковид ҳолатидаги иммунометаболик мезонлардан $INF\alpha$, билирубин, IL-6 ва АЛТ, IgG ва альбумин орасидаги коррелятив боғланишлар аниқланган.

сурункали жигар касалликлари мавжуд ва коронавирус инфекциясини ўтказган беморларда илк бор ҳаққоний овқатланиш ҳолати NRI индекси орқали нутрицион статус баҳоланган ва овқатланиш ҳолати етишмовчилик даражаси аниқланган.

ўрта даражадаги нутритив етишмовчилик (NRI индекси 83.5-97.5) сурункали гепатит ва жигар циррозлари мавжуд беморларда кузатилиб, оғир даражадаги нутритив етишмовчилик ҳолатлари (NRI индекси <83,5) COVID-19 ўтказган беморлар гуруҳларида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

COVID-19 касаллигини ўтказган сурункали жигар касалликларида ўзига ҳос клиник белгиларнинг юзага чиқиши беморларда постковид ҳолатини ташхислашда амалий аҳамияти асосланган.

Коронавирус инфекциясини ўтказган сурункали гепатит ва жигар циррози касаллиги мавжуд беморларда иммунологик кўрсаткичларнинг кескин ўзгариши, жумладан, IL-6, IL-17, $INF\gamma$, IgG кўрсаткичларининг ортиши ва $INF\alpha$ миқдорининг камайиши беморлар иммунодиагностикасида аҳамиятли бўлиб, даво жараёнида иммунокоррекцияни амалга ошириш лозимлиги аниқланган.

Сурункали гепатит ва жигар циррози касаллиги мавжуд COVID-19 касаллигини ўтказган беморларда корреляцион боғланишга асосланган иммунометаболик мезонлар сурункали гепатит ва жигар циррозларига ўзига ҳос бўлган ўзгаришларга асосан постковид ҳолатга ҳос ташхис ва даво йўналишларини белгилаш учун амалий аҳамияти аниқланди.

Беморлар ҳаққоний овқатланишини ўрганган ҳолда уларга ЎзССВ томонидан тавсия этилган сурункали жигар касалликларига мос пархез таомномасининг кучайтирилган шакли COVID-19 касаллигини ўтказган беморларга узоқ муддатга тавсия этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги ва замонавийлиги, беморлар сонининг етарлилиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-иммунологик, биокимёвий, функционал ҳамда статистик текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотларга замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулосаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID-19 инфекциясини ўтказган ва сурункали жигар касалликлари мавжуд беморлар клиник-иммунологик, биокимёвий текширув маълумотларини баҳолаш йўли билан улардаги патологик жараён ривожланишининг патогенетик механизмларини ҳамда иммунометаболик ташхисий мезонлари очиб берилган ва келажақда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратилган. Олинган маълумотлар касаллик ривожланишининг хавф мезонларини асослайди ва соғлиқни сақлаш амалиёти учун илмий тадқиқотларнинг такомиллашиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, COVID-19 инфекциясини ўтказган, ҳамда сурункали жигар касалликлари мавжуд беморларда ишлаб чиқилган ва таклиф этилган дифференциалланган диагностика усуллари мақсадли даволаш имконини беради, клиник ҳолатни, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларни меъёрлашуви, асоратларнинг ривожланиш хавфини сезиларли пасайиши ҳамда уларнинг олдини олиш, яллиғланиш медиаторлари кўрсаткичларининг пасайишига ижобий таъсир кўрсатиши натижасида касаллик прогнозини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. COVID-19 инфекциясини ўтказган, ҳамда сурункали жигар касалликлари мавжуд беморлар клиник-иммунологик, функционал-метаболик ўзгаришлар жиҳатларини ўрганиш, ҳамда ушбу беморларда ҳаққоний овқатланишни баҳолаш ва диетологик коррекция ўтказиш натижалари асосида олиб борилган тадқиқот натижалари Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази 02.06.2022 йилдаги 73-сонли буйруқ ҳамда Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси 05.08.2022 йилдаги 11-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган.

COVID-19 касаллиги билан касалланган сурункали жигар касалликлари мавжуд беморларда касаллик белгиларини эрта аниқлаш жигарнинг бошқа касалликларининг дифференциал диагностикаси учун зарур бўлган лаборатор маркерлар, инструментал текширувлар ва тор мутахассислар кўриклари учун керак бўладиган ортиқча сарф-харажатлар ҳисобига иқтисод қилишга эришилган.

Натижада COVID-19 касаллиги билан касалланган сурункали жигар касалликлари мавжуд беморларга хос бўлган касаллик белгилари аниқланиб, касалликни эрта ташхислаш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига маблағнинг ўртача 640000 сўм иқтисод қилиш имконини берган.

Сурункали гепатит ва жигар циррози касаллиги мавжуд ва COVID-19 ўтказган беморларда коронавирус инфекциясини ўтказмаган беморлар гуруҳига нисбатан холестатик, цитолитик синдромлар ва оксил синтезига хос биохимик кўрсаткичларда фарқли ўзгаришларни аниқлаш беморларни эрта ташхислаш, даво чоралари самарадорлигини ошириш, ҳамда касаллик асоратларини олдини олиш имкониятини берди ҳамда кўшимча маркёрлар аниқланиши учун керак бўладиган сарф-харажатларни чеклади, ҳамда 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 500.000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 400.000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Коронавирус инфекциясини ўтказган сурункали гепатит ва жигар циррозларида фарқли равишда, уларнинг этиологик омилларига боғлиқ равишда С гепатит гуруҳида ИНФү, ИЛ-6 миқдорининг ошганлиги, айниқса гепатит В беморлар гуруҳида ИНФү юқорилиги, токсик этиологияли гепатит гуруҳида IgA ва ИЛ-17 қондаги концентрацияси ошиши ва ИНФ α нинг кескин камайиши кузатилган. Натижада COVID-19 ўтказган сурункали гепатит касаллиги мавжуд беморларда ташхислаш тадбирларини тўғри ўтказиш ва ушбу беморларда госпитализация учун керак бўлган маблағларнинг 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 400000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 1500000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Сурункали гепатит ва жигар циррози мавжуд ва COVID-19 ўтказган беморларда постковид ҳолатидаги иммунометаболик мезонлардан ИНФ α , билирубин, ИЛ-6 ва АЛТ, IgG ва албумин орасидаги коррелятив боғланишлар аниқланган. Натижада COVID-19 касаллигини ўтказган сурункали гепатит касаллиги мавжуд беморларда иммунометаболик боғлиқликни аниқлаш натижасида кон клиник биохимик таҳлили орқали интерлейкинлар, интерферонлар ва иммуноглобулинлар сарф харажати учун кетадиган маблағ ва вақт тежалди.

Сурункали жигар касалликлари мавжуд ва коронавирус инфекциясини ўтказган беморларда илк бор ҳаққоний овқатланиш ҳолати ва NRI индекси орқали нутрицион статус баҳоланган, овқатланиш ҳолати етишмовчилик даражаси аниқланди. COVID-19 касаллигини ўтказган сурункали жигар касаллиги мавжуд беморлар парҳезини меъёрлаш йўли билан нутрицион статусни коррекция қилиш ҳар бир бемор учун ўрта ҳисобда 890.000 сўм миқдорида маблағ иқтисод қилиниши ва касалхонада даволаниш кунини қисқартиришга эришилди.

Ўрта даражадаги нутритив етишмовчилик (NRI индекси 83.5-97.5) сурункали гепатит ва жигар циррозлари мавжуд беморларда кузатилиб, оғир даражадаги нутритив етишмовчилик ҳолатлари (NRI индекси <83,5) COVID-19 ўтказган

беморлар гурухларида аниқланди. Натижада COVID-19 касаллигини ўтказган сурункали жигар касаллиги мавжуд беморлар парҳезини меъёрлаш йўли билан нутрицион статусни коррекция қилиш ҳар бир бемор учун ўрта ҳисобда 890.000 сўм миқдорида маблағ сарфланиши ва касалхонада даволаниш кунини қисқартиришга эришилади.

Паттахова Малика Хусановнанинг “COVID-19 касаллигини ўтказган сурункали гепатит ва жигар циррозлари мавжуд беморларда клиник-иммунологик, функционал-метаболик ўзгаришлар жиҳатлари” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент тиббиёт академиясининг 2022 йил 30 сентябрдаги 03/3687-сонли хати юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва маҳаллий илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 43 та илмий иш, шулардан Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, натижалар муҳокамаси, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 164 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Касалликларнинг тарқалиши ва клиник шакллари, патогенези ва COVID-19 ўтказилганидан кейинги ҳолатлар**» деб номланган биринчи бобида замонавий адабиёт манбаларининг аналитик шарҳи келтирилган бўлиб, изланувчи COVID-19 ҳақида тўлиқ маълумот берган. Шунингдек, ушбу бобда инфекцияни аъзо ва тўқималарга таъсири батафсил баён қилинган. Изланувчи коронавирус инфекциясининг жигар тўқимасига таъсири ҳамда сурункали жигар касалликлари мавжуд беморлардаги ўзгаришларни адабиётлардаги маълумотларга асосланиб шарҳлаган. Диссертациянинг адабиётлар шарҳи бобидаги маълумотлардан ҳозирги кунда коронавирус инфекцияси ва унинг аъзо ва тўқималарга таъсири тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш мумкин.

Диссертациянинг «**Клиник материаллар ва тадқиқот усуллари**» деб номланувчи иккинчи бобида қўйилган вазифаларни ҳал қилинишини таъминловчи тадқиқот объекти ва усуллари ҳамда услубий ёндошувлар тавсифи баён этилган.

Диссертация ишида тадқиқот учун олинган материаллар қуйидагиларга асосланган:

2020 - 2022 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси умумий терапия ва гепатобилиар бўлимларига мурожаат қилган, шифохона шароитда даволанган сурункали гепатит ва жигар циррози ташхиси қўйилиб, COVID-19 ўтказган 220 нафар беморларнинг касалликлари клиник кечиши таҳлил қилинган;

Қўлланилган усуллар: гепатологияда қўлланиладиган клиник, лаборатор усуллар: умумий кон, умумий пешоб, нажас, қон биокимёвий таҳлиллари (АЛТ, АСТ, билирубин фракциялари, умумий оқсил, альбумин, ишқорий фосфатаза, липид спектри - умумий холестерин, ЗЮЛП, ЗПЛП, триглицеридлар, коагулограмма ва асбобий (фиброскан, ЭГДФС, УТТ) текширишлар.

Тадқиқотлар Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси умумий терапия ва гепатология бўлимларида 2020 йил декабрь ойидан 2022 йиллар муддатида ўтказилди. Улардан иммунологик текширувларда қатнашганлар 42 (42%) таси эркаклар ва 58 (58%) таси аёлларни ташкил этди. Улар 19-76 ёшда бўлиб, ўртача ёши 49.46±13.9 га тенг эди. 1-жадвалда кузатувга олинган беморларга оид маълумотлар келтирилган.

1-жадвал.

Беморларнинг клиник-демографик кўрсаткичлари

Гуруҳ рақами	Диагноз	Бемор сони	Жинси		Ёши	Тана вазни индекси
			эркак	аёл		
1-гуруҳ	Сурункали гепатит	25	7 (14%)	18 (36%)	51.5±14.3	20.8±3.3
2-гуруҳ	Сурункали гепатит + COVID-19	25	6 (12%)	19 (38%)	47.9±15.4	21.2±3.1
3-гуруҳ	Жигар циррози	25	16 (32%)	9 (18%)	48.5±14.3	20.4±2.7
4-гуруҳ	Жигар циррози + COVID-19	25	11 (22%)	14 (28%)	52.2±13.5	19.1±3.0
5-гуруҳ	Назорат гуруҳи	25	13 (26%)	12 (24%)	47.2±12.2	23.0±1.5

Тадқиқотга олинган беморларнинг 50 (50%) нафарини сурункали гепатит ва 50 (50%) нафарини жигар циррози билан касалланган беморларни ташкил этди. Шунингдек, 120 нафар беморлар (коронавирус инфекциясини ўтказган ва касалликни ўтказмаган 60 нафар сурункали гепатит ва 60 нафар бемор жигар циррози касаллиги билан) ҳаққоний овқатланишни анкета орқали баҳолашда ва нутритив статусни аниқлашда иштирок этдилар.

Уларда ёндош касалликларидан асосан сурункали гастрит (6%), сурункали холецистит (28%), сурункали панкреатит (10%), сурункали камқонлик (17%), сурункали пиелонефрит (13%), гипертония касаллиги (14%), йўғон ичак таъсирланиши синдроми (6%), сурункали бронхитлар (11%), гипертония касаллиги (14%), юрак ишемик касаллиги (9%) аниқланди. Беморларга ташхис клиник гепатологияда қабул қилинган стандарт текширувлар асосида қўйилди. COVID-19 касаллигини ўтказган беморларга ташхис полимераз занжир реакцияси (ПЦР) ва

IGM, IGG ва касаллик клиникасига қараб қўйилди. Асосан касалликни енгил ва ўрта оғирлик даражада ўтказганлар текширилди. Бу беморларда ўпка зарарланиши компьютер томография (КТ) кўрсаткичи бўйича КТ1-КТ2 ни ташкил қилди. Уларнинг барчаси сурункали гепатит ва жигар циррозини даволаш-диагностика стандартлари асосида муолажалар қабул қилдилар.


Беморни ўрганиш жараёнида анамнези, объектив кўрик натижалари, лаборатор ва функционал-метаболик ҳолатни баҳолаш текширувлари, жумладан, умумий қон ва пешоб таҳлили, қоннинг биокимёвий таҳлили (АЛТ, АСТ, умумий билирубин, умумий оксил, албумин миқдори), коагулограмма кўрсаткичлари (“Human Clot Junior” анализаторида), умумий липидлар сони, холестерин, триглицеридлар, β-липопротеидлар миқдори (“Mindray BA-88A” анализаторда) аниқланди. Шунингдек, қоннинг иммунологик текшируви (IgA, IgM, IgG, INFα, INFγ, IL6, IL17); асбобий текширувлар - жигар ультратовуш текшируви (УТТ) текшируви, фиброэластометрия, КТ, Мультиспирал компьютер томография (МСКТ) ва эзофагогастроуденофиброскопия (ЭГДФС) тадқиқотлари ўтказилди ҳамда уларнинг кундалик овқатланиш ҳолати баҳоланди.

2-жадвал.

COVID-19 ўтказган беморларни оғирлик даражаси бўйича тақсимланиши

	СГ+COVID-19	%	ЖЦ+COVID-19	%
Енгил	13	52%	9	36%
Ўрта оғирликда	12	43%	16	64%
IG G миқдори (ПК)	1,978±0,39		2,715±0,8	
Ўпка зарарланиши (КТ 1-2)	11	44%	16	64%

Изоҳ: СГ-сурункали гепатит; ЖЦ-жигар циррози ушбу ва бошқа жадвал ҳамда расмларда. ПК-позитивлик коэффициенти (иммунофермент текширувида)



1-расм. Сурункали гепатит ва жигар циррози касаллиги этиологияси бўйича тақсимланиши

Тадқиқотларнинг иммунологик қисми Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси иммунология ва инсон геномикаси институтининг лабораториясида амалга оширилди. Тадқиқот давомида асосан иммуноглобулинлар (IgA, IgG и IgM)

ва беморлар қон зардобадаги яллиғланиш цитокинлари (IL-6, IL-17A, IFN γ и IFN α) миқдори аниқланди.

Иммунологик усуллар (IgG, IgA, IgM, ООО «Вектор Бест» реагентлар жамланмасидан фойдаланилган ҳолда моноклонал антителолар орқали ва икки босқичли «сэндвич» турига асосланган қаттиқ фазали иммунофермент анализи ёрдамида кўрсатмага асосан аниқланди, INF альфа, INF гамма, IL-6, IL-17 миқдорини ООО “Цитокин” тест системасидан (Санкт-Петербург, Россия) фойдаланиб кўрсатмага мувофиқ амалга оширилди. Жамланмада иммунофермент тахлили учун қаттиқ фазали “сэндвич”-шакл қўлланилди).

Беморларнинг кундалик овқатланиши ЖССТ тавсия этган анкета ёрдамида аниқланди. Унинг ёрдамида давомида истеъмол қилинган озиқ-овқатлар тури, миқдори, куввати ва бошқа кўрсаткичлар ўрганилди;

Олинган маълумотлар Pearson усули бўйича корреляция қилинди.

Уларга статистик ишлови t-тест (Стьюдент) бўйича амалга оширилди.

Беморларнинг нутрицион статуси 1991 йилда тавсия этилган Нутритив хавф индекси (Nutritional Risk Index-NRI) ёрдамида қуйидаги формуладан фойдаланиб аниқланади: $NRI = 1,519 \times \text{плазма альбумини (г/л)} + 0,417 \times (\text{тана массаси 1 (кг)} / \text{тана массаси 2 (кг)} \times 100)$, бунда 1 – тана массаси – бу текширув вақтидаги масса, 2 – тана массаси – бу одатдаги тана массаси. NRI кўрсаткичига қараб беморларда нутритив статус ҳолатига қуйидагича баҳо берилади:

Нутритив етишмовчилик йўқ ($NRI > 97,5$)

Ўрта нутритив етишмовчилик ($97,5 > NRI > 83,5$)

Оғир нутритив етишмовчилик ($NRI < 83,5$).

Кузатувдагиларда кундалик овқатланишни ўрганиш учун ЖССТ томонидан берилган саволномадан фойдаланилди. Текширувда 120 нафар бемор иштирок этди. Уларда тана вазни индекси (ТВИ) ЖССТ нинг STEPS тавсияси бўйича ҳисобланди.


Диссертациянинг «COVID-19 ўтказган сурункали гепатит касаллиги мавжуд беморларнинг клиник-функционал ва метаболик ўзгаришларининг қиёсий тавсифи» деб номланган учинчи бобида COVID-19 ўтказган сурункали гепатит касаллиги мавжуд беморлар клиник-функционал ва метаболик ўзгаришлари қиёсий тавсифи ўрганилган.

Касаллик симптомлари ўрганилганида 2-гурух беморларининг 4 нафариди (16%) интенсив сариқлик кузатилди. Иккинчи гуруҳ беморларининг 88% да ўнг қовурға остида оғриқ кузатилди ва бу кўрсаткич биринчи гуруҳ беморлари кўрсаткичларидан 20% га юқори эканлиги аниқланди. Жигарнинг катталаниши беморларнинг кўп қисмида учради ва ўртача ўнг қовурға ёйидан 2 см пасайганлиги кузатилди. COVID-19 ўтказган сурункали гепатит касаллиги мавжуд беморларда иштаха пасайиши 24 нафар беморда, холсизлик 23, тери қичишиши 4, кўнгил айниши 18, қайт қилиш ҳамда сариқлик 4 нафар беморда аниқланди. Шунингдек, иккинчи гуруҳ беморларининг 6 нафариди диарея, 8 нафариди хид ва таъм билишнинг ўзгариши ва 7 нафариди хавотирлик ҳисси мавжудлиги қайд этилди (2-расм).

Беморлар лаборатор кўрсаткичлари ўрганилиши давомида 25 нафар соғлом инсонлар назорат гуруҳи сифатида олинди ва натижалар шу гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан баҳоланди.

COVID-19 ўтказган сурункали гепатит касаллиги мавжуд беморлар умумий қон тахлили кўрсаткичларида коронавирус инфекциясини ўтказмаган гуруҳга нисбатан камқонлик белгилари яққолроқ намоён бўлди. Беморларнинг 1-гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан эритроцитлар миқдори 12%га, 2-гуруҳдагиларда эса 22%га кам эканлиги аниқланди. Гемоглобин миқдори 1-гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 20%га, 2-гуруҳда эса 22.5% га камлиги қайд этилди.

Қоннинг биокимёвий тахлили ўрганилганда COVID-19 касаллигини ўтказган гуруҳда уни ўтказмаганларга нисбатан умумий билирубин миқдори ($34,16 \pm 4,85$) ва унинг боғланган ва эркин фракциялари миқдори ($13,68 \pm 4,39$ ва $20,48 \pm 8,23$) юқори эканлиги аниқланди.



2-расм. Сурункали гепатит билан касалланган ва COVID-19 касаллигини ўтказган беморларнинг касаллик белгилари учрашига қараб тақсимланиши (мутлоқ рақамларда)

3-жадвал.

Сурункали гепатит касаллиги мавжуд ва COVID-19 ўтказган беморлар биокимёвий тахлилларидаги ўзгаришларининг қиёсий тавсифи

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=25)	1-гуруҳ (n=25) СГ	P фарқлар ишончлиги назорат гуруҳига нисбатан	2-гуруҳ (n=25) СГ + COVID-19	P фарқлар ишончлиги назорат гуруҳига нисбатан
Қон оқсил, г/л	$68,1 \pm 0,68$	$62,8 \pm 1,60^*$	<0.001	$60 \pm 1,96^*$	<0.001
Альбумин, г/л	$36,9 \pm 0,62$	$34,5 \pm 1,26$	0,235	$33,7 \pm 1,66$	0,628
Гаммаглобулинлар	$14,2 \pm 1,62$	$15,1 \pm 1,53$	0,607	$16,4 \pm 1,53$	0,225
Умумий билирубин, мкмоль/л	$13,1 \pm 0,20$	$25,75 \pm 2,62^*$	<0.001	$34,16 \pm 4,85^*$	<0.001
Боғланган билирубин	$2,2 \pm 0,22$	$9,96 \pm 1,49^*$	0,007	$13,68 \pm 4,39$	0,782
Эркин билирубин	$8,3 \pm 0,62$	$15,79 \pm 2,25$	0,09	$20,48 \pm 8,23^*$	0,012
Глюкоза, ммоль/л	$4,25 \pm 0,14$	$5,2 \pm 0,22^*$	<0.001	$4,9 \pm 0,21^*$	0,010
АЛТ, Ед/л	$28,1 \pm 4,42$	$41,4 \pm 7,92$	0,102	$51,14 \pm 5,84^*$	<0.001

АСТ, Ед/л	14,04±0,88	31.3±5.94*	0,005	48.5±4.10*	0,001
Мочевина, ммоль/л	5,1±0,06	6.6±0,38*	<0.001	8.0±1.68	0,081
Креатинин, мкмоль/л	83,2 ± 2,48	72.4±3.77	0,021	71.5±7.10	0,129
Ишқорий фосфатаза Б/л	123,8±4,34	131,7±2,92	0.07	137,0±3,58	0.08

Изоҳ: * - Статистик ишончилилик фарқи ($P \leq 0,05$)

Шунингдек, АЛТ миқдори ҳам 23.5% га, АСТ миқдори 55%га коронавирус инфекциясини ўтказмаган беморлар курсаткичларига нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлди.

Сурункали гепатит касаллиги мавжуд ва COVID-19 ўтказган беморлар биокимёвий таҳлиллари ўзгаришлари қиёсий тавсифи 3-жадвалда келтирилган.

Қон ивиш тизими кўрсаткичлари текширилганида коронавирус инфекциясини ўтказган сурункали гепатит касаллиги мавжуд гуруҳ ва бу уни ўтказмаган гепатит билан оғриган беморлар кўрсаткичларида қисман фаоллаштирилган тромбин вақти (ҚФТВ), халқаро меъёрлаштирилган нисбат (ХМН), протромбин вақти, тромбин вақти кўрсаткичлари ўзгаришсиз эканлигини кўрсатди. Инфекцияни ўтказган сурункали гепатит касаллиги билан оғриган беморлар кўрсаткичларида фибриноген миқдори 1-гуруҳга нисбатан 25% га юқори эканлиги аниқланди.

Сурункали гепатит касаллиги мавжуд ва COVID-19 ўтказган беморлар липид алмашинуви тизими ўрганилиши натижасида 2-гуруҳда 1-чисига нисбатан умумий холестерин ва триглицеридлар ҳамда зичлиги паст бўлган липопротеидлар миқдори юқори эканлиги қайд этилди (4.8 ± 0.23 , 1.68 ± 0.20 ва 2.99 ± 0.28).

4-жадвал.

Сурункали гепатит касаллиги мавжуд ва COVID-19 ўтказган беморлар липид алмашинуви тизими ўзгаришлари қиёсий тавсифи

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи (n=25)	1-гуруҳ (n=25) СГ	Р фарқлар Ишончилиги назорат гуруҳига нисбатан	2-гуруҳ (n=25) СГ + COVID-19	Р фарқлар ишончилиги назорат гуруҳига нисбатан
УХС, ммоль/л	3,6 ± 0,6	3.8±0.6*	<0.001	4.8±0.23*	<0.001
ЗЮЛП, ммоль/л	1,18 ± 0,1	1.16±0.14	0,106	1.11±0.03	0,636
ЗПЛП, ммоль/л	2,03 ± 0,2	2.51±1.05	0,307	2.99±0.28*	0,018
ТГ, ммоль/л	0,43 ± 0,04	1.15±0.44*	<0.001	1.68±0.20*	<0.001


Изоҳ: УХС-умумий холестерин, ЗЮЛП-зичлиги юқори липопротеидлар, ЗПЛП-зичлиги паст липопротеидлар, ТГ-триглицеридлар. Ушбу ва бошқа жадвал ва расмларда.* - Статистик ишончилилик фарқи ($P \leq 0,05$)

Диссертациянинг «COVID-19 ўтказган жигар циррози билан касалланган беморлар клиник-функционал ва метаболик ўзгаришлари қиёсий тавсифи» деб номланган тўртинчи бобида COVID-19 инфекциясини ўтказган жигар циррози касаллиги мавжуд беморлар клиник-функционал ва метаболик ўзгаришлари қиёсий тавсифи натижалари баён қилинган.

Касаллик белгилари ўрганилганда натижалар шуни кўрсатадики, COVID-19 ўтказган беморлар гуруҳида касалликнинг клиник симптомлари яққол намоён бўлган. 2-гуруҳ беморларининг 20% да қайт қилиш, 72% чарчоқ, 76% иштаха

пасайиши кузатилди. Бу кўрсаткичлар 1-гурух беморларига нисбатан бирмунча юқори эканлиги аниқланди. 2-гурух беморларининг 4 нафариди (16%) интенсив сариқлик, 88% да ўнг қовурға остида оғриқ кузатилди.

Коронавирус инфекциясини ўтказган беморларнинг 20% да диарея, 32% да хавотирлик хисси, 40% да ҳид ва таъм билишнинг ўзгариши каби белгилар учради. Жигарнинг катталашини уларнинг кўп қисмида аниқланди ва ўртача ўнг қовурға ёйидан 2 см катталашини қайд этилди.



3-расм. Жигар циррози билан касалланган ва COVID-19 ўтказган беморларнинг касаллик симптомлари учрашига қараб тақсимланиши

Беморлар лаборатор кўрсаткичлари ўрганилиши давомида 25 нафар соғлом гуруҳ назорат гуруҳи сифатида танланди ва натижалар уларнинг кўрсаткичларига нисбатан баҳоланди. COVID-19 ўтказган жигар циррози касаллиги мавжуд беморлар умумий қон таҳлили кўрсаткичларида коронавирус инфекциясини ўтказмаган гуруҳга нисбатан камқонлик белгилари яққолроқ намоён бўлди. Беморларнинг 1-гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан эритроцит миқдори 20,5%га, 2-гуруҳ кўрсаткичларида эса 36,4% га кам эканлиги қайд этилди. Гемоглобин миқдори 1-гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 21,2%га, 2-гуруҳда эса назорат гуруҳига нисбатан 24,7%га кам эканлиги аниқланди.

Қон биохимик таҳлилида коронавирус инфекциясини ўтказган беморлар гуруҳида АЛТ, АСТ ва билирубин миқдори назорат гуруҳига нисбатан юқорилиги аниқланди. АЛТ миқдори коронавирус инфекциясини ўтказган гуруҳда касалликни ўтказмаган гуруҳга нисбатан 67,3% га, АСТ миқдори 18,6% га, билирубин миқдори эса коронавирус инфекциясини ўтказмаган гуруҳга нисбатан 1,5 баробар юқори эканлиги аниқланди (P=0,012). Қон зардобиди альбумин миқдори 1-гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 17,7% га, 2-гуруҳда эса 31,3%га кам эканлиги аниқланди.

Гаммаглобулинлар миқдори коронавирус инфекциясини ўтказган гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 32,3% га юқори эканлиги аниқланди (5-жадвал).

Жигар циррози касаллиги мавжуд ва COVID-19 ўтказган беморлар липид алмашинуви тизими ўрганилиши натижасида 2-гуруҳ беморларда 1-гуруҳга нисбатан умумий холестерин ва триглицеридлар миқдори юқори эканлиги аниқланди (4.82±0.26 ва 1.81±0.15) (6-жадвал).

5-жадвал.

Жигар циррози касаллиги мавжуд ва COVID-19 ўтказган беморлар биокимёвий таҳлилларидаги ўзгаришларининг қиёсий тавсифи

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи (n=25)	1-гуруҳ (n=25) ЖЦ	Р фарқлар ишончлиги назорат гуруҳига нисбатан	2-гуруҳ (n=25) ЖЦ + COVID-19	Р фарқлар ишончлиги назорат гуруҳига нисбатан
Қон оқсили, г/л	63,1 ± 0,68	60,04±1,93*	0,005	57,21±2,18*	0,030
Альбумин, г/л	36,9 ± 0,62	30,39±1,35*	0,022	25,36±1,71*	0,016
Гаммаглобулинлар	14,2±1,62	17,6±1,21	0,07	18,8±1,51*	0,01
Умумий билирубин, мкмоль/л	13,1±0,20	45,25±10,4*	0,003	69,01±32,0*	0,012
Боғланган билирубин	2,2±0,22	17,64±3,91*	<0.001	45,48±1,73*	0,005
Эркин билирубин	8,3±0,62	25,8±1,23*	0,008	56,29±2,18*	0,009
Глюкоза, ммоль/л	4,25±0,14	5,10±0,17*	<0.001	4,78±0,15*	0,014
АЛТ, Ед/л	28,1±0,88	50,52±4,38	0,568	84,57±3,15	0,274
АСТ, Ед/л	14,04±0,58	38,52±6,22*	0,001	45,71±14,1*	0,004
Мочевина, ммоль/л	5,1±0,06	8,65±1,82	0,057	8,60±0,76*	<0.001
Креатинин, мкмоль/л	83,2 ± 2,48	78,93±5,55	0,486	113,58±106,49	0,162
Ишқорий фосфатаза Б/л	123,8±4,34	135,7±4,12	0.07	142,0±6,26	0.08

Изоҳ: * - Статистик ишончилилик фарқи (P ≤ 0,05)

6-жадвал.

Жигар циррози касаллиги мавжуд ва COVID-19 ўтказган беморлар липид алмашинуви тизими ўзгаришларининг қиёсий тавсифи

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи (n=25)	1-гуруҳ (n=25) ЖЦ	Р фарқлар ишончлиги назорат гуруҳига нисбатан	2-гуруҳ (n=25) ЖЦ + COVID-19	Р фарқлар ишончлиги назорат гуруҳига нисбатан
УХС, ммоль/л	3,6 ± 0,12	4,60±0,22*	<0.001	4,82±0,26*	<0.001
ЗЮЛП, ммоль/л	1,18 ± 0,02	1,23±0,11	0,297	1,09±0,02	0,702
ЗПЛП, ммоль/л	2,03 ± 0,04	2,78±0,20*	0,021	2,99±0,24*	0,008
ТГ, ммоль/л	0,43 ± 0,02	1,66±0,17*	<0.001	1,81±0,15*	<0.001

Изоҳ: * - Статистик ишончилилик фарқи (P ≤ 0,05)

Диссертациянинг «COVID-19 ўтказган сурункали гепатит ва жигар циррози билан касалланган беморлар иммунологик ўзгаришлари қиёсий тавсифи» деб номланган бешинчи бобида COVID-19 ўтказган сурункали гепатит

ва жигар циррози билан касалланган беморлар иммунологик ўзгаришлари қиёсий тавсифи келтирилган.

Тадқиқотларимизнинг бу қисмида сурункали гепатит ва жигар циррози билан касалланган, ҳамда COVID-19 касаллигини ўтказган беморлар қонида иммунологик ўзгаришлари қиёсий ўрганилди. Назорат гуруҳини 25 нафар соғломлар ташкил этди (7,8-жадвал).

7-жадвал.

Сурункали гепатит билан касалланган беморлар иммунологик ўзгаришлари тахлили натижалари қиёсий тавсифи

№	Кўрсаткич	Назорат гуруҳи	Сурункали гепатит (умумий)	Сурункали гепатит В	Сурункали гепатит С	Сурункали токсик гепатит	Ишончлилик фарқи
1	IL-6, пг/мл	19,3±2,0	59,52±4,91*	61,72±8,14	78,31±2,48	38,54±4,11	<0,001
2	IL-17, пг/мл	62,8±5,5	95,91±14,9*	71,54±15,8	108,68±14,2	107,51±14,7	<0,001
3	IFNα, пг/мл	31,7±2,6	44,53±2,61*	46,67±2,42	54,82±4,31	32,1±1,11	<0,001
4	IFNγ, пг/мл	25,2±1,8	33,35±2,23	35,45±2,06	37,7±1,72	26,9±2,91	0,47
5	IgA, мг/мл	1,35±0,2	1,39±0,09	1,09±0,07	1,41±0,08	1,67±0,12	0,66
6	IgM, мг/мл	1,21±0,12	1,57±0,19	1,62±0,25	1,91±0,21	1,18±0,11	0,07
7	Ig G, мг/мл	11,6±0,43	12,11±0,26	12,27±0,17	13,41±0,48	10,65±0,13	0,06

Изох: * - Статистик ишончлилик фарқи ($P \leq 0,05$) умумий гуруҳнинг назорат гуруҳига нисбатан олинган.

8-жадвал.

Сурункали гепатит билан касалланган ва COVID-19 касаллигини ўтказган беморлар иммунологик ўзгаришлари тахлили натижалари қиёсий тавсифи

№	Кўрсаткич	Назорат гуруҳи	СГ+Covid-19 (умумий)	Сурункали гепатит В + Covid -19	Сурункали гепатит С + COVID-19	Сурункали токсик гепатит+ COVID-19	Ишончлилик фарқи
1	IL-6, пг/мл	19,3±2,0	78,62±7,31*	72,77±8,81	84,92±5,71	78,17±7,41	<0,001
2	IL-17, пг/мл	62,8±5,5	131,51±12,6*	129,71±7,31	124,31±15,8	140,51±14,7	<0,001
3	IFNα, пг/мл	31,7±2,6	37,20±3,59*	38,05±2,56	39,81±6,11	33,74±2,11	<0,001
4	IFNγ, пг/мл	25,2±1,8	41,71±2,27*	47,61±3,14	50,12±2,41	27,4±1,26	0,01
5	IgA, мг/мл	1,35±0,2	1,41±0,13	1,01±0,12	1,31±0,16	1,91±1,11	0,63
6	IgM, мг/мл	1,21±0,12	1,71±0,25	1,64±0,25	2,29±0,32	1,20±0,18	0,05
7	Ig G, мг/мл	11,6±0,43	13,76±0,30*	12,81±0,22	16,23±0,27	12,24±0,41	<0,001

Изох: * - Статистик ишончлилик фарқи ($P \leq 0,05$) умумий гуруҳнинг назорат гуруҳига нисбатан олинган.

Олинган маълумотлар натижасида коронавирус инфекциясини ўтказган сурункали токсик гепатит билан касалланган беморлар гуруҳида IgA миқдори касалликни ўтказмаган гуруҳга нисбатан 14,3% га юқори эканлиги аниқланди.

IgG миқдори сурункали гепатит С билан оғриган ва инфекцияни ўтказган беморлар гуруҳида бошқа гуруҳларга нисбатан юқори миқдорда аниқланиб, бу кўрсаткич 21% ни ташкил қилди. Текширувларимиз натижасида COVID-19 касаллигини ўтказган сурункали гепатит билан оғриган бемор гуруҳида сурункали гепатит гуруҳига нисбатан IgM миқдори 8.9% га, IgG миқдори эса 13,6 % га кўп эканлиги аниқланди.

IFN α кўрсаткичи айниқса инфекцияни ўтказган сурункали гепатит С гуруҳида пасайиши аниқланиб, бу кўрсаткич 27,4% ни ташкил этди.

IFN γ миқдори биринчи гуруҳга нисбатан коронавирус инфекциясини ўтказган сурункали гепатит В гуруҳида 34% га, сурункали гепатит С гуруҳида 32 % га юқори эканлиги аниқланди.

Интерлейкинлар миқдори текширилганида эса COVID-19 касаллигини ўтказган сурункали гепатит билан оғриган бемор гуруҳида сурункали гепатит гуруҳига нисбатан IL-6 миқдори 32% га, ILA-17 миқдори эса 37,1% га ортганлиги кўринди.

